

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2024, № 3 (5)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2024

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович тарих
фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймахаматович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна тарих
фанлари доктори, доцент *Ўзбекистон*
Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Нарбеков Абдикамил Вафасевич
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Бахранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Жамоат ҳафсизлиги университети
Кандахаров Анваржон Хасанович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймухамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Алиназарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети
Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет Национального
Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/> ; E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib
Faculty of history of the National university of
Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/> ; E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Abdurasulova Faxriya Bahtiyor qizi BUXORO AMIRLIGI IJTIMOYIY-IQTISODIY, SIYOSIY VA MA'NAVIY HAYOTINI O'RGANISHDA MANBASHUNOSLIK TAVSIFI	4
2. Abdullayev Akmaljon Xasanbay o'g'li O'ZBEKISTON TARIXI FANIDA DATA SCIENCENING O'RNI	13
3. Ergashev Husan Yusup o'g'li MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIX FANI VA TA'LIMINING RIVOJLANISHIDA O'ZMU TARIX FAKULTETINING O'RNI VA AHAMIYATI	19
4. Кенджаев Якуб Юсупович СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ҒАРБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДАН КЎЧИРИЛГАН САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШТИРИЛИШИ (1941-1945)	26
5. Kandaxarov Anvar Xasanovich O'RTA ASR DAVLATCHILIGIDA DIN VA TASAVVUF VAKILLARINING TA'SIRI	31
6. Мухамедов Якубджан Кадирович ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ ВА ВИЗАНТИЯ ЎРТАСИДАГИ ИЖТИМОЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР	44
7. Нишанбаева Энахон Зарипбаевна ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ	54
8. Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич XV – XVI АСРНИНГ БОШЛАРИГА ОИД “ЯНГИ САНГАНАК” ХАЗИНАСИДАГИ БУХОРО ТАНГАЛАРИГА ДОИР	64
9. Toshxujayev Shoxrux Erkin o'g'li BOBURIYLAR SULOLASINING JAHONSIVILIZATSIYASIGA QO'SHGAN HISSASI	74
10. Usarov Umidjon Abdimavlyanovich ROSSIYA IMPERIYASINING TURKISTON O'LKADAGI YER-SUV MUNOSABATLARINING BOSHQARILISHIDA KADRLAR MASALASIGA OID SIYOSATI	80
11. Эшқурбонов Фазлиддин Нуралиевич., Аннаев Джалолиддин Тухташевич ТАРМИТА-ТЕРМИЗ БУДДАВИЙЛИК ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИГА ДОИР	87
12. Шакиров Ильяс Рахимзянович ВОПРОСЫ ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И КОРОЛЕВСТВА ТАИЛАНД (1991-2016)	101

Мухамедов Я. К.

т.ф.ф.д.(PhD) катта ўқитувчи

Ўзбекистон Миллий университети

mukhamedov-2017@mail.ru

ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ ВА ВИЗАНТИЯ ЎРТАСИДАГИ ИЖТИМОЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ғарбий Турк хоқонлигининг Византия империяси билан олиб борган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлари, элчилик алоқалари ёзма ва археологик манбалар асосида ёритилган бўлиб, мазкур масалани тадқиқ қилишда асосан хорижлик ва ўзбекистонлик олимларнинг илмий қарашлари бўйича келтирилган маълумотлари илмий асосда таҳлил қилиниб ёритилган.

Калит сўзлар: Ғарбий Турк хоқонлиги, Византия, Ашина, Эфталлийлар, Сугд, Олтин тоғ, Талас, элчи, хоқон, Ябғу, Буюк ипак йўли.

Мухамедов Я. К.

PhD., старший преподаватель

Национальный университет Узбекистана

mukhamedov-2017@mail.ru

СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ И ПОЛИТИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ ЗАПАДНОГО ТЮРКСКОГО КАГАННАТА С ВИЗАНТИЕЙ

АННОТАЦИЯ

В статье на научной основе освещены и проанализированы социальные, экономические и политические отношения Западно-Тюркского каганата с Византийской империей, т.е. дипломатические переписки на основе письменных и археологических источников, а также ряд исследований, зарубежных и узбекских ученых по данному вопросу.

Ключевые слова: Западнотюркский каганат, Византия, Ашина, эфталиты, Сугд, золотая гора, Талас, дипломатия, каган, ябгу, Великий шелковый путь.

Muxamedov Y. K.
PhD., senior teacher
National university of Uzbekistan
mukhamedov-2017@mail.ru

SOCIO-ECONOMIC AND POLITICAL RELATIONS OF THE WESTERN TURKIC KHAGANATE WITH BYZANTIUM

ABSTRACT

The article scientifically highlights and analyzes the social, economic and political relations of the Western Turkic Khaganate with the Byzantine Empire, i.e. diplomatic correspondence based on written and archaeological sources as well as a number of studies by foreign and Uzbek scientists on this issue.

Key words: West Turkic Kaganate, Byzantium, Ashina, Eftalites, Sughd, golden mountain, Talas, diplomacy, Kagan, Yabgu, Great Silk Road.

КИРИШ

Ғарбий Турк хоқонлиги ташқи сиёсий муносабатларда Хитой, Византия, Эрон каби қўшни давлатлар билан олиб борган алоқалари алоҳида аҳамият касб этган. Ғарбий Турк хоқонлиги даври тарихини тадқиқ қилишда византия манбалари ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ушбу манбаларни ўрганиш натижасида, Турк хоқонлиги ва Византиянинг ижтимоий – иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларига доир масалаларни аниқлашга ёрдам беради. Византия манбаларни тадқиқ қилишда Вивен де Сен-Мартен Лебо, И. Маркварт, Э. Чаваннес, М.И. Артамонов, С.П. Толстов, Э. Шаван, П. Шювен, ва Ғ. Бобоёров ва Япон туркологлари Н. Мидори ва Т. Осавагалар ҳамда византиялик тарихчи Феофилакт Симокатта кабиларнинг илмий фаолиятини алоҳида тилга олиб ўтиш мумкин.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

XX – асрнинг иккинчи яримида келиб византия манбаларини ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб борди. Хусусан, И. Маркварт ва М.И. Артамонов, Э. Чаваннеслар бу масалани тадқиқ қилишда, Ғарб ва Шарқ манбаларини ўзаро қиёсий солиштириш асосида Турк хоқонлиги билан Византия ўртасидаги ўзаро элчилик муносабатларига кўпроқ эътибор қаратишган. Бироқ, Ғарбий хоқонлик ва Византия ўртасида юзага келган сиёсий масалалар ўрганилмай қолиб кетади. Кейинчалик С.П. Толстов изланишлари давомида Турк хоқонлиги даври тарихини тадқиқ қилиш мақсадида Византия манбаларини форс тарихчилари Наршахий, Табарий ва Феофилакт Симокатта асарларида келтирилган бирламчи

манбаларга мурожат қилиш асносида масалага ойдинлик киритишга муваффақ бўлган.

С.П. Толстовнинг берган хулосасига кўра Эфталийларни ички инқирозга учраши оқибатида уларнинг қўл остида бўлган ҳудудлар Турк хоқонлиги қўл остига ўтади [1]. Буни натижасида Хоқонликнинг ҳудуд сарҳадлари кенгайиб бутун иккидарё оралиғидаги ерлар унинг таркибига қўшиб олинади. Турклардан енгилган Эфталийларнинг бир қисми Еттисувга кўчиб ўтадилар. Харбий куч қудратга эга бўлган Турклар Византия билан яқинлаша бошлайдилар.

Милодий V асрнинг охири VII аср бошларида Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудларида ипак савдосига бўлган талаб ортиб борди [2]. Бу Византия ташқи сиёсатини белгилашда муҳим омил бўлган. Ипак маҳсулотини етказиб бериш ва сотишда нафақат Византия балки, унинг рақиблари Форслар, Эфиёпияликлар, шунингдек Ғарбий Осиёдаги араблар, суғдликлар ва Турклар манфатдор бўлганлар[3].

Шарқ ва Ғарб ўртасида савдо алоқалар дастлабки даврларда олиб борилмаган. Чунки ҳар икки ҳудудни боғлашга хизмат қилувчи йўллардаги қийинчиликлар (сахро чўллар ва тоғлар) бунга имкон бермаган [4]. Тоғ-кон металлургия соҳасидаги ютуқлар натижасида қўлга киритилган янгиликлар хусусан, от улов воситалари араваларни такомиллашуви савдо карвонларини бепаён чўл ва сахролар, тоғлардан ўтишдаги қийинчиликларга барҳам беришган.

Ғарбий Турк хоқонлиги ташқи сиёсий муносабатларда Хитой, Византия, Эрон каби қўшни давлатлар билан олиб борган алоқалари алоҳида аҳамият касб этган. Канстантинопол Ғарб ва Шарқни боғловчи олтин кўприк вазифасини бажарган бўлиб, Ҳиндистонга йўл очилгунга қадар айнан шу ер савдо маркази вазифасини бажариб келган. Хитойдан келтирилган Ипак хомашёси ва турли газлама маҳсулотлар шу ерда тўпланиб сўнг Ғарбга олиб кетилган [5].

Византия давлати Турк хоқонлиги билан яқинлашувига яна бир муҳим омил сабаб бўлган. Хусусан, Форслар ипак савдосидан катта даромад эга бўлишиб доимий равишда унинг нархини ошириб юборишар эди [6]. Бу ҳолат эса улар белгилаган нархларга бўйсунини заруриятини юзага келтирган

Византияга кўп миқдорда ипак етказиб берилиши ҳар икки халқ учун ҳам катта фойда келтирган. Византияда ипакнинг қиймати қимматбаҳо тошлар билан тенг миқдорда баҳоланган [7]. Лекин бу ишни амалга оширишда бир тўсиқ бор эди, яъни Византияга олиб борувчи савдо йўли Шарқий Эрон орқали ўтган ва Сосоний ҳукмдорлари бу йўлда савдо алоқаларини доимий назоратда ушлаб турганлар [8]. Византия ипак маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиши Эрон сосонийларини ипакнинг нархини оширишига сабаб бўлган.

Буни натижасида, улар ипакдан келадиган даромадни харбий қўшинни кучайтиришга йўналтиришади. Бундан шу нарса аёнки, Эрон сосонийларини

ҳарбий қудратини бир неча бор ортишига олиб келган. Византия бундай қийин ҳолатдан чиқиб кетишида Туркларга суяна бошлаган. Бу вақтда турклар Хитойдан катта миқдордаги ипак маҳсулотларини тўлов сифатида олар эдилар.

Давлатларнинг ўзаро иқтисодий рақобати, бирор бир шу давр учун муҳим бўлган товарнинг савдоси учун кураш антик даврда ҳам маълум бўлган. Чорвадорлардан олинган жун маҳсулотларидан таёрланган маҳсулотлар, айниқса ипак бу давр учун халқаро савдода энг талаб юқори бўлган маҳсулот ҳисобланган. Ипак Хитойда яратилган бўлиб узоқ йиллар давомида уни таёрлаш технологияси ошқор қилинмасдан келинган[9]. Ипак маҳсулоти олтинга тенг тарзда баҳоланган[10]. Чунки, ушбу маҳсулотдан таёрланган либосларни сарой аёнлари, шахзодалар турли байрамлар ва тўй маросимларда кийганлиги маълум. Хатто ибодатхоналарни безашда ҳам айнан ипакдан унумли фойдаланишган[11].

Ғарбий Турк хоқонлиги ва Византия империяси ўртасидаги элчилик алоқалари хусусида Византия манбаларида муҳим маълумот берилган. Хусусан, Ғарбий турк хоқонлиги Византия ўртасида ўз элчилик муносабатларини 563 йилда ташкил қилган бўлиб, уни Ғарбий Туркларнинг Ну-ши-пи қабиласининг бошлиғи Акселни юборади[12]. Кейинчалик суғдлик Маниах бошчилигидаги элчилар 568 йилда Сосонийлар давлатига ипак бўйича келишувни амалга ошириш бўйича келишув битимини тузиш учун ташриф буйрганлар бироқ, элчиларга нисбатан қилинган суиқасд натижасида Византия ва Турк хоқонлиги давлати ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланишига сабаб бўлган. 568 йилда хоқон Истами навбатдаги элчилар гуруҳини Канстантинопол шаҳрига юборади унга суғдлик Манниах бошчилик қилади Хоқон элчилари Византия базилевси – император Юстиниан II (565-578) қабулида бўлди. Менандр маълумотида кўра, элчилар императорга Истами ябғунинг “скиф” хатини ўқиб беришган[13]. Музокаралардан сўнг император элчилар таркибидаги савдогарларига Константинополда божсиз савдо қилиш ҳуқуқини берган. Савдогарлар ипак мато ва бошқа буюмларини сотиб, Рум молларини харид қилганлар [14]. Ҳар икки томон иқтисодий, дипломатик ва ҳарбий иттифок характердаги шартномаларни имзолашган. Анъанага кўра, шартнома имзолангач, унга содиқликка онт ичилган. Шартномада Эрон ҳудудидан савдо йўлини очиш ҳам кўзда тутилган эди. Элчи Маниахнинг Византияда амалга ошириши лозим бўлган вазифаларидан яна бири ўзаро савдо муносабатларини тартибга солиш, қўшни форс ва аварларга қарши биргаликда курашиш, Буюк ипак йўлида савдо қилиш имтиёзларига эга бўлиш каби масалалар ҳам ўрин олган.

Шарқ ва Ғарбни боғловчи савдо қарвон йўлини ўз назоратига олиши туркларнинг иқтисодий устунлигини янада ортишига сабаб бўлган [15].

Византия манбаларидаги маълумотларга кўра, хоқонлик элчилари Эфталитларни батамом мағлуб этиб унинг таркибида бўлган ерлар энди турклар қўл остига ўтганлиги ҳақидаги хабарни келтириб ўтишади [16].

568 йил августида Византия хукмдори Юстиниан II жавоб тариқасида Земарх бошчилигидаги элчиларини юборади. Бу ҳақида Менандрнинг Тарих асарида Византияликларни Олтой ҳудудларида яшаши, ҳарбий маҳорати уларнинг насл насаби, турмуш тарзи ва анаънавий кадриятлари ҳусусида шунингдек Ябғунинг асосий қароргоҳи жойлашган тоғ ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган [17].

Земарх Истеми ҳузурига келганида уни “Олтин тоғ” деган жойда қабул қилганлиги ҳақида ҳам маълумотлар ўрин олган. Жумладан, Тарихчи Феофилакт Симокатта ўз асарида турк хоқонининг қароргоҳи жойлашган «Олтин-тоғ» ҳақида қуйидаги мисраларни баён қилиб ўтган: *«Туркларда шундай қонун борки, унга кўра, энг қудратли хоқон олтин тоғ устида жой олади. Бу тоғ ўзининг унумдорлиги, мева ва подага бойлиги билан ажралиб туради. Соғлик учун фойдали ва бу ерда зилзила жуда кам содир бўлади»*[18]. Хоқон Тарду эса 598 йилда Византия императори Маврикийга юборган мактубида ўзини «дунёдаги етти иқлимнинг эгаси ва етти ирқнинг хоқони» [19] дея таърифлаган.

Мазкур тоғ ҳусусида олимлардан Э. Шаван, П. Шювен, ва Ғ. Бобоёровлар ўз илмий мулоҳазаларини билдириб ўтганлар. Хусусан, Э. Шаваннинг қарашларига кўра Текес дарёсининг шимолий томонида жойлашган тоғ номи ҳозиргача маҳаллий аҳоли тилида Алтан тав (Олтин тоғ) номи остида тилга олиб ўтса [20], П. Шювен эса ҳозирги Талас ҳудудларида жойлашган[21] деган қарашларни бериб ўтса, Япон туркологлари Н. Мидори ва Т. Осавагалар Истаменинг жойлашган қароргоҳи Юлдуз водийси яқинидаги Эшекбашы-ола деб аталувчи баланд тоғда бўлиб бу тоғ ҳозирги кунда Олтин тоғ деб аталганлигини такидлаган[22]. Ғ. Бобоёровнинг фикрича эса бу тоғ туркларнинг муқаддас тоғи ҳисобланиб, Тяньшан тоғларининг шимолидаги Или дарёсида жойлашган[23]. Юқоридаги фикрлардан шу нарса маълумки, хоқон Истами Византиядан келган элчиларни Олтин тоғ деган манзилда (Еттисувдаги) қабул қилган бўлиши мумкин. Византия тарихчиси Менандр Истеми ябғу элчи Земархни ҳашамдор ҳолатда безатилган ўз чодирда қарши олиши, чодир ичидан ўрин олган олтин тахтда залворли ҳолда ўтиргани унинг атрофида олтин ва кумуш идишлару турли анжомлар ортилган аравалар жой олганлигини ҳам баён қилган[24].

Киликиялик Земарх хоқон Истеми ҳузурига киришдан олдин маълум бир турдаги урф одатларни бажарган. Хусусан, у шарққа қараб чўккалаб ўтириб бўри калласи тасвири туширилган байроққа таъзим қилиб, уни ёнида ёниб турган олов атрофида айланиб покланганлиги, сўнгра хоқон ҳузурига таъзим бажо қилиб кирганлиги келтирилган[25]. Уларнинг бундай одатни амалга оширишлари Туркларга Истеми хоқон ва унинг динига бўлган ҳурматни шу аснода изҳор қилганликларини англатади. Ғарбий Турк хоқонлиги билан Византия ўртасидаги

муносабатларда узаро ҳурмат ҳар икки минтақа ҳудуднинг савдо иқтисодий алоқаларини янада ривожланишига сабаб бўлган.

Ғарбий Турк хоқонлиги ва Византия ўртасидаги элчилик муносабатлари кейинчалик ҳам давом этган, 560 йилларнинг охирлари – 570 йиллар ичида ҳам бир неча бор ташриф буюрганликлари ҳақида атрофлича маълумотлар келтирилган [26]. Бундай элчилик муносабатлари хоқонлик таркибида бўлган ҳудудлар учун ҳам рухсат берилган бўлиб, бу фақат хоразмликларга берганлигини кўриш мумкин [27].

Ғарбий Турк хоқонлигининг Византия билан яқинлашуви Эронни ўз элчиларини хоқон ҳузурига юборишга мажбур қилди. Истами ябғу византияликлар кўз олдида Эрон элчиларига нисбатан Хусрав II қилган муомаласига жавобан салбий муносабат билдирди. Хусусан Истами шоҳ Хусрав I элчиларни қабул қилиб, Земарх олдида уларга танбех бериб, уларни ўлпон тўлашдан бош тортганликда айблаган.[28] Византия элчилари билан яна хоқонликдан Тағма Тархон[29] бошчилигидаги элчилари гуруҳи Константинополга юборилган [30]. Бу гуруҳга Истами ябғунинг рухсати билан Хоразмшоҳ Африғийнинг элчилари ҳам қўшилган. Бундан хабар топган Сосонийлар улар йўлига пистирма қўядилар. Бироқ, кўчманчилар элчиларни Византияга беҳатар етиб олишларига имконият яратиб берганлар[31]. Ҳар икки давлат ўртасидаги элчилар алмашуви 576 йилга қадар давом этган.

Тарихчи Менандр ўзининг “Агафиев тарихининг давоми” асарида келтиришича византиядан элчи сифатида Валентин Меченосец (Қиличбардор) Византиядан Егтисувга ташриф буюрганлиги ҳақида маълумот беради [32]. Асарда келтирилишича ушбу элчилик муносабатларидан кўзланган асосий мақсад:

1. Халқаро савдода ипак маҳсулотлари нархини келишиб олиш;
2. Савдо – сотиқ ишларини олиб боришда, бозорларда эркин савдо қилиш;
3. Савдо йўлларида юзага келаётган қароқчилик хужумларини бартараф этиш;

Шартномада келтирилган масалалар хусусида ўзаро келишув амалга оширилиб икки давлат учун ҳам катта манфаат келтирган.

Истами ябғунинг ўғли Турксанф (Турк-шад)[33] (576-586) 576 йилда Урал дарёси яқинида Византия элчиси Валентин билан учрашади. Ушбу учрашувда элчи Византияликлар икки томонлама сиёсат олиб бораётганлигини бу ҳолат яхшилик аломати эмаслиги ҳақида ўз норозилигини англатади. Ўзаро зиддиятни юзага келтирган омил сифатида Юстиниан II нинг аварлар билан муносабат ўрнатганлиги кўрсатиб ўтилган.

Турклар биров вақтдан сўнг Қримга қарши ҳарбий ҳаракат бошлаб Босфор Кавказдаги Абхазия, Бенжер ва Беленжерларни[34] эгаллаб оладилар, Босфор амалда Византиянинг мустамлакаси бўлган. Шунингдек, ҳарбий ҳаракатлар даврида Қримга яқин ҳудудларда

яшовчи Аланлар ва Қутригур қабиалари хоқонлик таркибида бўлган [35]. Туркларнинг бу ҳудудларни эгаллаб олишлари Византия билан сиёсий зиддиятларни юзага келишига сабаб бўлган. 582 йилда бошланган ҳарбий истилолар 593 йилда турклар фойдаси билан ниҳоясига етган [36]. Ҳарбий ҳаракатларнинг тугатилишига юзага келган ички тартибсизлик ва зиддиятлар сабаб бўлган.

Хоқонлик ва Византия ўртасида элчилик муносабатлар 588-589 йилларда Шарқий Турк хоқони Тардухон сабабли яна қайта тикланади [37]. Бироқ, 588 йилда турклар ҳокими Қорачўрин ҳазорлар ва Византияликларнинг кўмаги билан Эрон сосонийларига қарши ҳарбий ҳаракат бошлайди. Сосонийлар саркардаси Баҳром Чубин турк қўшинларини мағлубиятга учратади [38]. Натижада ушбу жанг туркларни танназулга юз тутишига сабаб бўлади. Ички зиддиятларнинг авж олиши натижасида ўзаро иттифоқчилик муносабатларда ҳеч қандай ўзгаришлар рўй бермаганлигини гувоҳи бўлиш мумкин. Фақатгина 598 йилга келиб хоқон томонидан Канстантинопол шаҳрига юборилган элчининг император Маврикийга берган маълумоти бўйича хоқонликдаги барча ички зиддиятларга барҳам берилганлиги ҳақида маълумот келтирган [39]. Бундан шу нарса аён бўладики, ички зиддиятлар бироз тўхтаганлигини англатади, бироқ бу курашлар ҳокимиятни мавқеига жиддий путур етказди.

Тун ябғу хоқон даврида 622 йилда Византия императори Ираклий хоқонликка Андрей бошчилигидаги ўз элчиларни юборади [40]. Ушбу тузиладиган иттифоқдан кўзланган асосий мақсад Сосонийларга қарши биргаликда курашиш эди. Тун ябғу хоқон элчини талаб ва таклифини қабул қилади ҳамда элчига қўшиб 1000 га яқин қўшин билан кузатиб юборади. Элчилар сафар чоғида юзага келган ҳаф хатар вақтида ушбу жангчилар туфайли юзага келиши мумкин бўлган хавфни бартараф қиладилар. Элчилар Дарбандан ўтиб кура дарёси орқали император ҳузурига борадилар [41]. Ғарбий турк хоқонлиги томонидан юборилган 1000 кишидан иборат жангчилар дея маълумот берилган бўлсада, аслини олганда уларнинг ҳаммаси ҳам жангчилар бўлмасдан маълум бир қисми савдогар тужжорларни ташкил қилган. Сабаби қўшлаб элчилар билан бирга савдогарлар ҳам қўшиб юборилган эди.

Суғдликлар элчилик муносабатларда ҳам фаол иштирок этганлар булар асосан савдогарлар бўлишган, Суғдликларни айнан элчи сифатида ташриф буюришларига асосий сабаби, биринчидан суғд ёзуви ва тили халқаро мақомдаги тил ҳисобланган бўлса, иккинчидан эса суғдликлар халқаро савдода ва турли халқларни тилини маданиятини билиши, учинчидан эса Ўрта Осиёдаги савдо йўллари ўтган шаҳарлар атрофида истиқомат қилиши уларнинг савдо сотиқдаги ва сиёсий ҳаётдаги аҳамиятини ошишига ҳизмат қилган.

Турк хоқонлиги ва суғдликлар билан тузиладиган ўзаро иқтисодий келишув уларни бундай қарамликдан чиқиб кета олиш имкониятини вужудга келтирди.

Турк хоқонлиги ва Византия давлати харидоргир бўлган маҳсулотларни қийматини белгилаш, уларни транспорт воситалар ёрдамида етказиб бериш, ёки

карвон савдосида биринчи қўлдан сотиб олиш қобилиятига эга бўлганлар. Бу имтиёз ҳар икки империя учун жуда зарур бўлган. Византия империясида юксак мавқега эга бўлган ҳунармандчилик ва савдо нафақат Ўрта ер денгизида, балки Кичик Осиёда катта ўринда турган.

Византия – Ўрта Осиё муносабатлари то XIII аср – Византия империяси тугагунга қадар давом этган [42].

ХУЛОСА

Ғарбий Турк хоқонлиги ва Византия ўртасида амалга оширилган элчилик муносабатлари натижасида кўпгина масалаларни ҳал қилиш имконини берди. Жумладан,

1. Ғарбий Турк хоқонлиги Буюк ипак йўли устидан назорат қилиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

2. Ғарбий Турк хоқонлиги ва Византия билан биргаликда аварлар ва форсларга қарши биргаликда курашда иттифоқчи бўлиш.

3. Византия билан эркин савдо муносабатларини олиб боришда Суғдликлар катта имтиёزلарга эга бўлдилар.

4. Суғдликлар Византия ҳудудида эркин савдо қилиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

5. Суғдликларни савдо провенцияларини Византия бозорларида ташкил қилиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

ИҚТИБОСЛАР / СНОСКИ / REFERENCES

1. Толстов С. П. Тирания Аброя. «Исторические записки», 1938, № 3, стр. 3-39.
2. ,3,4,5,6.Пигулевская Н.В. Византийская дипломатия и Торговля Шелком в V-VII ВВ. Византийский Временник.\ М. Академик Изд .- 1947.С.184-185
7. Гумилёв Л. Қадимги турклар. Т. “Фан” 2007. Б.49-50
8. Golden P. B. Hazar Çalışmaları. Çev. E. Ç. Mızrak. – İstanbul: Selenga, 2006. – S. 49-50
9. Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми. Тошкент. Янги Нашр 2018.- б.69.
10. Пигулевская Н.В. Византийская дипломатия и Торговля Шелком в V-VII ВВ. Византийский Временник.\ М. Академик Изд .- 1947.С.184-185
11. Менандр. Продолжение истории Агафьевой // Византийские историки. Пер. с греч. С. Дестуниса. СПб. 1861.- С. 375.
12. Пигулевская Н.В. Византийская дипломатия и Торговля Шелком в V-VII ВВ. Византийский Временник.\ М. Академик Изд .- 1947.С.185
13. Пигулевская Н.В. Византия по пути в Индию. – С. 203;
14. Феофилакт Симокатта. История // Великая степь в античных и византийских источниках. Сборник материалов. Сост. и ред. А. Н. Гаркавца. – Алматы: Баур, 2005.

15. Жданович О.П. Посольство земарха в ставку Тюркского кагана (перевод и комментарии фрагментов Труды менандра протектора) // Золотоордынское обозрение. № 2(4). 2014. С.8
16. Зинатуллаев З.И Турк хоқонлиги бошқаруви даврида марказий осийдаги ижтимоий-сиёсий вазият/ "Oriental Art and Culture" Scientific-Methodical Journal - (SI) II/2020. Б. 225
17. Turan O. Türk Cihan Hâkimiyeti Mefkûresi // TÜRKLER, 2. Cilt. Yeni Türkiye Yayınları, Ankara, 2002. – S. 850.
18. Golden P. B. Hazar Çalışmaları. Çev. E. Ç. Mızrak. – İstanbul: Selenga, 2006. – S. 49-50
19. Osawa T. The cult-religious relation between Old Turkic kingship and their sacred mountains in the early periods of the Western Old Turkic Kaghhanate // Культурное наследие. – Астана, 2009. – № 1. – Р. 47–56.
20. Отахужаев А. Илк урта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Тошкент. - Art FLEX. Б.48.
21. Бобоёров Ғ. Турк хоқонлиги даврида Суғд // Шарқшунослик. – Тошкент, 2002. – № 11. – Б. 123–124.
22. Зуев Ю.А. Ранние тюрки. Очерки истории и идеологии Алматы. “Дайк Пресс” 2002 – С. 189–190.
23. Феофилакт Симокатта. История... – С. 285; Артамонов М. И. История Хазар. – Л.: Изд-во Государственного Эрмитажа, 1962. – С. 138; Гумилев Л. Н. Древние тюрки. – М.: Наука, 1967. – С. 107–108, 116–117.
24. Зинатуллаев З.И Турк хоқонлиги бошқаруви даврида марказий осийдаги ижтимоий-сиёсий вазият/ "Oriental Art and Culture" Scientific-Methodical Journal - (SI) II/2020. Б. 226
25. Жданович О.П. Посольство земарха в ставку Тюркского кагана (перевод и комментарии фрагментов Труды менандра протектора) // Золотоордынское обозрение. № 2(4). 2014. С.8
26. Гумилёв Л. Қадимги турклар. Т. “Фан” 2007. Б.9-51
27. Golden P. B. Hazar Çalışmaları. Çev. E. Ç. Mızrak. – İstanbul: Selenga, 2006. – S.50
28. Артамонов М. И. История Хазар. – Л.: Изд-во Государственного Эрмитажа, 1962. – С. 154-156
29. Жданович О.П. Посольство земарха в ставку Тюркского кагана (перевод и комментарии фрагментов Труды менандра протектора) // Золотоордынское обозрение. № 2(4). 2014. С.8
30. 32,33,34,35,36,37,38.Пигулевская Н.В. Византийская дипломатия и Торговля Шелком в V-VII ВВ. Византийский Временник.\\ М. Академик Изд .- 1947.С.184-185

39. Шювен П. О Византийских посольствах к первым тюркским правителям Согда (Проблемы ономастики и топонимики) // Общественные науки Узбекистана. – Ташкент, 1995. – № 1–3 С.33 - 38.

40. Chavannes E. Çin yıllıklarına göre Batı Türkleri. Çeviri M. Koç. – İstanbul: Selenge, 2007. – S. 301.

41. Гумилев Л.Н. Қадимги турклар... – Б. 48; Harmatta J., Litvinsky B.A. Toharistan and Gandhara under... – P. 367.

42. Массон М.Е. К вопросу о взаимоотношениях Византии и Средней Азии по данным нумизматики. – С. 91–104.